ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

# MAHALLA

Ўзбекистон “МАҲАЛЛА” хайрия жамғармасининг нашри

№ 37-38 (169-170) | 2000 йил 24 май, чоршанба | Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган | Сотувда эркин нархда

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси 25 май куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари бугун, 24 май куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар ва эртага, 25 май куни эрталаб соат 8.30 дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

### Сиёсий партиялар, депутатлар фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига кирадиган Олий Мажлис депутатлари диққатига

**Бугун, 24 май куни Олий Мажлисда**

соат 12.00 да Фидокорлар миллий демократик партияси фракциясининг ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блокининг,

соат 13.00 да - «Адолат» социал демократик партияси фракциясининг,

соат 14.30 да эса - ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блокининг йиғилиши бўлиб ўтади.

Коммунал хизмат ва қарздорлик

## ҚАРЗДОР - АЙБДОР, НЕГА БОШҚАЛАР АЗИЯТ ЧЕКАДИ

Сирдарё вилояти ҳокимлигида бўлиб ўтган мажлисда коммунал хизматлар учун тўловлар масаласи кўриб чиқилди. Мажлисда шаҳар ва туманлар ҳокимлари, коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси раҳбарлари, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари иштирок этди. Мажлисни вилоят ҳокими А.Исроилов олиб борди.

Бу масалани, шунингдек аҳолини ичимлик суви, табиий газ ва электр қуввати билан таъминлаш муаммоларини ҳал этиш вақти келди. Коммунал хизмат бўйича қарзлар ўсишига Мирзачўл аҳолиси маиший қулайликлар билан етарли даражада таъминланмаётгани ҳам сабаб бўлмоқда.

Баъзи бир тураржой мавзеларида ичимлик сувининг кескин тақчиллиги сезилмоқда. Энергетиклар кўп ҳолларда ортиқча сарф-харажатлар ва тежаш заруратини рўкач қилиб, электр қувватини ўчириб қўйишмоқда, бошқа аҳоли пунктларида эса газ узатиш миқдори анча камайган. Баъзи бир қишлоқлар бир ҳафтадан буён табиий газ билан таъминланмаяпти. Бунинг сабаби - қарздорлар сони кўпайганида. Бироқ кўпчиликни ташкил этадиган интизомли тўловчилар манфаатини ким ҳимоя қилади?

Катта дебиторлик қарзларини баҳона қилишга ўрганиб қолган коммунал хизмати раҳбарлари юзага келган ҳолатни бартараф этиш ҳақида бош қотиришни хоҳлашмаяпти. Ҳолбуки, масала ўз ечимини кутмоқда.

**Т.Аҳмадалиев, ЎзА мухбири.**

## ОМБУДСМАННИНГ СЕССИЯ ОЛДИ ЙИҒИЛИШИ

***Мамлакатимизда Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича Вакиллиги - омбудсманнинг ташкил этилганлигига ҳам беш йил бўлди.***

- Шу йиллар давомида 11600 дан кўпроқ бизга мурожаат бўлди, - дейди Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили Сайёра Рашидова. - Бу мурожаатларнинг 24 фоизи бевосита омбудсманнинг назоратида бўлди.

Омбудсманнинг кеча бўлиб ўтган комиссияси йиғилиши худди шундай рақамлар эътирофи билан бошланди.

Яқинда Олий Мажлисда парламентнинг II сессияси олдидан бўлган йиғилишда Вакиллик фаолиятига кирувчи фуқароларнинг конституцион ҳуқуқлари ва эркинлиги комиссияси йиғилиши бўлиб ўтди. Бунда сўз олган Вакил С.Рашидова йиғилиш қатнашчиларини Парламентнинг II сессиясига қўйиладиган масалалар, хусусан, Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларнинг бу борадаги ҳамкорлиги борасидаги йўналишлар билан таништирган эди.

Мазкур комиссия йиғилишидаги маърузада худди шу ҳолатга эътибор қаратилди.

**Ўз мухбиримиз**

## ШУ СОННИНГ

**2-саҳифасида:**

- **«Тошкент маҳаллаларининг истиқболи» семинар-конференцияси ўзининг амалий тавсиялари билан қимматли аҳамият касб этади.**
- **«Сизга нима халақит беряпти?» Маҳалла раиси Раҳима Эргашева жавоб беради.**
- **Оқсоқол: у қандай одам бўлиши керак? Мунозара давом этади.**

**3-саҳифасида:**

- **ТАСИС дастури маҳаллалар аҳолиси саломатлигини кўзлайди.**
- **Ўтган йил мобайнида вилоятимиз бўйича гиёҳванд моддалар билан боғлиқ баъзи қонунбузар шахслар ушланди.**
- **Юрмайдиган автомашинага ҳам солиқ солинадими? - Саволларингизни телефон орқали ҳам қабул қилишимиз мумкин.**
- **Оламда нима гап: Саудия Арабистони шаҳзодаси Валид бин Талал бешта компанияга сармоя ётқизди.**

**4-саҳифасида:**

- **Пайғамбаримиз айтадиларки: ўзингиз ҳали унча-мунча бу ишлардан қайтарилмаган бўлсангиз ҳам, ёмон ишлардан қайтаринг, маърифатга чақираверинг.**
- **Ёмон ният ёқангизга ёпишмасин. Ўша куни у кўчада қаёққадир шошиб кетаётган эди - нияти ёқасига чиппа ёпишди.**
- **Бир пайтлар мени маҳалламиздагилар «оқила қиз» деб мақташарди. Аммо...**
- **Ҳатто одамхўрлар ҳам нопок одамдан ҳазар қилишади.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

## ҲАМКОРЛИКДА, КЎМАКЛАШИБ ИШЛАШДА ГАП КЎП

**Шу йил 16 майда Республика Олий Мажлиси раҳбарияти Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида янги кучли, адолатли, фуқаролик жамиятни барпо этишнинг долзарб масаласига бағишлаб семинар-кенгаш ўтказди. Унда «Ижтимоий ҳаётнинг барча томонларини демократлаштириш жараёнини чуқурлаштиришда ҳокимият вакиллик органларининг ролини ошириш» мавзуси кенг ва атрофлича таҳлил этилди. Семинар-кенгашни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Ф.Ф.Муҳитдинова очиб, унинг асосий мақсадини шарҳлаб берди.**

Семинар-кенгашда мазмунли маъруза қилган Олий Мажлис Раиси Э.Халилов, республикамизда ижтимоий ҳаётни демократлаштириш ва эркинлаштиришда ҳокимият вакиллик органларининг мавқеи ва фуқаролик жамиятига босқичма-босқич ўтиш йўллари тўғрисида батафсил гапириб, бу борада олдинда турган муҳим вазифаларга тўхталди. Бунда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолиятини кучайтиришга, жойларда ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар, нодавлат, жамоат тузилмаларининг мавқеини бевосита оширишга эътиборни қаратди. Давлат ҳокимияти марказий органларининг ваколатларини маҳаллий, ижтимоий демократик тузилмаларга босқичма-босқич ўтказиш - аҳолининг кенг қатламларини давлатни бошқаришга фаол жалб этиш ижтимоий ҳаётни демократлаштиришда ва эркинлаштиришда муҳим аҳамиятга моликлигини таъкидлади. Шу муносабат билан амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга тўхталди. Жумладан, Президент Ислом Каримовнинг ўзига хос тамойиллари асосида, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ демократик институтларни яратиш борасидаги ишларни кучайтириш, қабул қилинган қонунлар, Фармон ва қарорлар, мавжуд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сўзсиз бажарилишини ташкил этиш - ҳамма даражадаги кенгашлар олдида турган долзарб вазифалардан эканлигини кўрсатиб берди.

Семинар-кенгашда сўзга чиққан Парламентнинг демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов, Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси раисининг ўринбосари Н.Абдуллаев ҳозирги шароитда демократик институтлар ва нодавлат ташкилотларнинг тутган ўрни, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини ҳал этишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорлиги мавзуларини давом эттирдилар. Улар ўз маърузаларида соҳа бўйича амалга оширилган ишлар, муаммолар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Истиқболдаги режалари ҳақида гапирдилар, таклифлар киритдилар.

Шунингдек, анжуманда Парламентнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари Қўмитаси раиси Н.М.Исмоилов, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби Й.У.Ғофуров, Ўзбекистон Республикаси адлия вазири А.А.Полвонзода, Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси, Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси Б.О.Эшонов. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Ш.Рашидова, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари Б.Р.Парпиев маъруза қилдилар. Улар Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларининг назорат-таҳлил фаолияти ҳамда маҳаллий Кенгашлар доимий комиссияларининг назорат ишларини фаоллаштиришга доир вазифалар, Кенгашлардаги партия гуруҳларининг ишларини такомиллаштириш йўлида турли сиёсий партияларнинг, демократик институтларнинг вакиллари бўлган депутатлар маҳаллий Кенгашларда ўз депутатлик партия гуруҳларини тузишлари, демократик институтлар, маҳаллалар ва нодавлат ташкилотларнинг тутган ўрни ҳамда нуфузини ошириши тўғрисида, ҳуқуқий фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг, давлат бошқарув органлари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишнинг, шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали усул, услубларини вужудга келтиришнинг жоизлиги ҳақида фикр юритдилар.

Семинар-кенгаш ҳақида мухтасар хулоса чиқарар эканмиз, унинг айнан ўз вақтида, зарур ва долзарб масалага бағишлаб ўтказилганлигини, маҳаллий кенгашлар депутатларининг, демократик институтлар вакилларининг, ҳокимликлар, оммавий ахборот воситалари, сиёсий партиялар, вилоят бўлинмаларининг ходимлари билан ҳамкорлиги, ўзаро бирбирларига кўмаклашиб ишлашлари зарурлигини кўрсатди.

Ижтимоий ҳаётнинг барча томонларини демократлаштириш жараёнини чуқурлаштиришда ҳокимият вакиллик органларининг ролини ошириш давр талаби эканлигига кенг жамоатчилик эътиборини жалб этган муҳим тадбир бўлди.

Бу жиддий, зарур тадбирни давом эттириш республика миқёсида соҳалар бўйича таҳлил этиш, жойларда аниқ далиллар, тажрибалар асосида ўрганиб, режалар тузиб, амалий чоралар кўриш мақсадга мувофиқдир.

**Ўз мухбиримиз.**

МАҲАЛЛА ФАОЛИЯТИ ПРОКУРАТУРА НАЗОРАТИДА

## ЎЗГАНИНГ ЛУҚМАСИНИ ОҒЗИГА ТИҚҚАНЛАР

***Мамлакатимизда кам таъминланган, кўп болали оилаларни ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор берилмоқда. Аммо...***

**Хўш, ҳукуматимизнинг бу ғамхўрлигининг ижроси жойларда қандай амалга оширилмоқда! Хусусан, белгиланган нафақалар низом асосида тўланаяптими? Мухбиримиз Сирдарё вилояти Мирзаобод туман прокурори Турғунбой САГАТОВ билан шу ҳақда суҳбатлашди.**

Яқинда туман прокуратураси туманнинг Наврўз, Беруний, Янгиобод, Янгиовул, Деҳқонобод, Турғун Аҳмедов номли маҳалла фуқаролар йиғинида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бу борадаги қарори ижроси юзасидан текшириш ўтказди. Текширувлардан шу нарса маълум бўлдики, кўплаб маҳаллаларда кам таъминланган, кўп болали оилаларга нафақа тайинлаш ва тўлаш давомида тегишли қоида ва Низомларга риоя этилмаяпти. Бунда кўп ҳолларда фуқароларнинг айби айниқса бирламчидир. Баъзи маҳаллаларда фуқаролар томонидан тақдим этилаётган даромадлар тўғрисидаги маълумотларнинг ҳаққонийлигига эътибор берилмай келинмоқда. Бу эътиборсизликдан айрим шахслар ўз манфаатлари йўлида фойдаланганлар. Яъни, агар иш ҳақи юқори бўлса, ҳисобчилар билан тил бириктириб иш ҳақини камайтириб, қалбакиликка йўл қўйганлар. Шу боис ҳам маҳалла фуқаролар йиғинида нафақалар тўловида ноқонунийлик юз берган. Агар туманда 14 та маҳалла фуқаролар йиғини фаолият кўрсатса, ундан 5 тасида ноқонуний тўловга йўл қўйилганлиги маълум бўлди. Шубҳасиз бундай раислар ҳотамтойлик кўрсатиб, давлат маблағларини совурганликлари учун қонун олдида жавоб бердилар. Маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларидан ноқонуний тўланган маблағлар нақд пул билан давлат маблағи ҳисобига қайтарилди.

Масалан, Наврўз маҳалласи ҳудудида яшовчи 17 нафар фуқаро ёрдам пули олиш мақсадида 1998 йил ва 1999 йилнинг биринчи ярми учун иш ҳақи тўғрисида ўзларининг ҳаққоний олган даромадларини яшириб маълумот тақдим этганликлари натижасида уларга ғайриқонуний равишда нафақа пуллари тўлаб борилган. Беруний номли маҳалла ҳудудида яшовчи фуқаролардан баъзилари ҳам даромадларини яшириб қалбакичиликка йўл қўйган, уларга ҳам ғайриқонуний равишда нафақа тўлаб борилган.

Турғун Аҳмедов номидаги маҳаллада нотўғри маълумотномалар, тўлиқ бўлмаган ҳужжатлар асосида 120 минг 382 сўм ноқонуний тўланган. Бундай мисолларни Янгиовул, Деҳқонобод каби маҳаллаларда ҳам учратиш мумкин. Хизмат вазифасига совуққонлик билан муносабатда бўлганликлари учун бешта маҳалла оқсоқоли интизомий жавобгарликка тортилдилар, тўрт нафар мансабдор шахс қонун бузилишига йўл қўйганлиги учун расман огоҳлантирилди. Мирзаобод тумани машина-трактор парки бош ҳисобчиси Х.Пирматов корхонада бир кун ҳам ишламаган Т.Тойлоқов, А.Жуманов, Т.Маматқулов, Ш.Холбековларга иш ҳақи тўғрисидаги сохта маълумотнома ёзиб берганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиб, тегишли жазосини олди. Хуллас, туманда кам таъминланган оилаларга тўланаётган нафақаларнинг низом асосида тўланишини жиддий назорат қилиш зарур. Сохта ҳужжатлар тўплаб нафақа олганлар бировнинг ҳаққини ўғирлаб олаётганликларини сезиш керак.

**Жумабой ҚОСИМОВ суҳбатлашди**



**Суратда: АҚШдан келган меҳмонлар Чилонзор маҳалласида.**

## КЕРЕН ГРИН МАҲАЛЛАГА МАҲЛИЁ

***«Маҳалла низомини инглиз тилида ўқишни жуда-жуда истар эдим.»***

АҚШнинг Сиэтл шаҳридан ташриф буюрган Сиэтл - Тошкент - ака-ука шаҳарлар ассоциациясининг ходими Керен Грин ва Сиэтл полициясининг маиший ва оилавий зўравонлик масалалари бўйича мутахассиси Кен Кондерлар Тошкент шаҳридаги Чилонзор маҳалласига ташриф буюриб, маҳалла ҳаёти ва иш фаолияти юзасидан маҳалла оқсоқоли, хотин-қизлар қўмитаси раиси билан суҳбатда бўлдилар. Маҳалла оқсоқоли Омонулла Муталов меҳмонларга маҳаллада олиб борилаётган ишлар ҳақида қисқача гапириб берди. Маҳаллалар билан танишиб олган Керен Грин таассуротлари ҳақида ўртоқлашар экан жумладан шундай деди: «Менга маҳалла бўлиб яшаш тарзи жудаям ёқиб қолди. Маҳалла Низомини инглиз тилида ўқишни жуда-жуда истар эдим. Яна бир менга маъқул бўлган томони деярли барча муаммолар маҳалланинг ўзида ҳал қилиниши бўлди. Бу ерда ёшлар тарбияси, қўни-қўшничилик, ёшларни турмушга тайёрлаш, ота-оналарнинг болаларига бўлган муносабати ўрнак олса бўладиган даражада яхши йўлга қўйилганлигининг гувоҳи бўлдик. Биз бу ерда аёлларни учратганимиздан жуда хурсандмиз. Улар билан оилада хотин-қизларнинг роли масаласида фикр алмашдик. Бизнинг юртимизда маҳаллаларнинг, гўзал гузарларнинг йўқлиги мени афсуслантиради, - деди меҳмон ярим ҳазил билан сўзини якунлаб.

**О. БЕГАЛИЕВ, «MAHALLA» мухбири**

Қорақалпоғистон

Акс-садо: «От изини той босар» (3 май)

## ХОТИРАСИ АБАДИЙЛАШТИРИЛДИ

«Фидойилар номи абадий қолса» руки остида «От изини той босар» мақоласида Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги, айниқса, Амударёнинг қуйи қисмида шоличиликнинг кескин ривожланиши йўлида ярим асрлик умрини бахшида қилган Ернийёз оға Панаев тўғрисида ҳикоя қилинган эди. Бу фидойи инсон ўттиз бир йил сурункали (айтиш мумкинки, ғоят баракали: боиси хўжаликда бирор марта ҳам йиллик режалар барбод бўлмаган) раҳбарлик қилган Қораўзак тумани «Маданият» қишлоқ хўжалиги ижара уюшмаси баъзи аъзоларининг Оға хотирасини абадийлаштириш юзасидан юрт ёшуллилари астойдил жон куйдирмаётганлиги тўғрисида аччиқ, аммо очиқ фикрлар билдиришган эди.

Яқинда Кегейли тумани ҳокимлиги хайрли ишга қўл уриб, уни поёнига етказгани хусусида «Mahalla» мухбирига хабар қилди. Маълум бўлишича, Ернийёз оға Панаев хотираси абадийлаштирилиб, ҳокимнинг махсус қарорига кўра Кегейли шаҳарчасидаги марказий кўчалардан бири Ернийёз Панаев номи билан аталадиган бўлибди. Эл-юрт бахт-саодати, халқ хўжалиги ривожи учун астойдил жон койитган инсон хотирасини абадийлаштириш ва кўчани у киши номига қўйиш, эсдалик лавҳалари ўрнатиш тантанали вазиятда ўтказилди. Тантаналарда қатнашганлар: «Ҳайрият, ҳақиқат қарор топди. Ҳечдан кўра кеч бўлса ҳам халқнинг муносиб фарзанди номи, унинг порлоқ хотираси абадийлаштирилди», - дея мамнун бўлишди.

Дарҳақиқат, мамлакат Президенти И.Каримов алоҳида таъкидлаганларидек: «Савоб ишни ҳар ким, савоб ишни ҳар куни қилиш лозим!»

**А.ИСКАНДАРОВ, «Mahalla» мухбири.**



### «MAHALLA»нинг МАҲАЛЛАСИ ЎЗГАРДИ

**Азиз муштарий! Таҳририятимиз манзили ўзгарди. Бизга мактуб йўллашдан, қўнғироқ қилиш, ҳатто таҳририятга йўқлаб ўтишга отланишдан олдин газетамизнинг шу ёзувлар қайд этиладиган жойига алоҳида эътибор қилинг.**

**Таҳририятимиз манзили ўзгариши билан барча кўрсаткичлар ўзгарди.**

MAHALLA

Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Телефонлар: Хатлар бўлими: 136-53-75, масъул котиб: 136-53-75 ижодий бўлимлар — 136-53-82, Қабулхона — 136-53-93. Тел/Факс: — 133-44-25.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

E-mail:mahalla@gazeta.silk.org

